

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

2023 йил 25 октябрь ҳолатига

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул вазирлик ва идоралар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойиҳалар (қилма қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
Давлат дастурида Ички ишлар вазирлиги томонидан бевосита ишлаб чиқиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар							
1.	Фуқароларнинг ҳаракатланиш эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклашда қонунийликни таъминлаш устидан назоратни кучайтириш. <u>(Дастурнинг 31-банди.)</u>	<p>Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестрни шакллантириш, юритиш ва ундаги маълумотлардан фойдаланиш тартибини кўйидагиларни назарда тутган ҳолда белгилаш:</p> <p>ваколатли органлар томонидан Ягона электрон реестрни шакллантириш, юритиш ва ундаги маълумотлардан фойдаланиш, жумладан тегишли маълумотларни ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг қариндошлари ёки адвокатларига тақдим этиш тартиби;</p> <p>Ягона электрон реестрни қонунчиликда белгиланган талаблар ва шартларда ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш бўйича буюртмачи ҳамда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ваколатли органни белгилаш;</p> <p>Ягона электрон реестрни ишлаб чиқиш ва шакллантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тартиби;</p> <p>Масъул вазирлик ва идораларнинг ходимларини янги тартибнинг мазмун-моҳияти ва ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар билан ишлаш масалалари бўйича ўқитиш белгиланган.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил май	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги <i>(П.Бобожонов),</i> Бош прокуратура <i>(Н.Ўўлдошев)</i> Соғлиқни сақлаш вазирлиги <i>(А.Иноятов)</i> Давлат хавфсизлиги хизмати <i>(А.Азизов)</i> Адлия вазирлиги <i>(А.Ташқулов)</i>	Тўлиқ бажарилди. Мазкур бандда белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олишнинг ягона элетрон реестрини жорий этиш тўғрисида” 2023 йил 31 август кундаги 431-сон қарори қабул қилинди.
2.	Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги ташкилий-бошқарув фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш. <u>(Дастурнинг 32-банди.)</u>	<p>Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ягона бошқарув тизимини яратиш;</p> <p>Худудий тергов бўлинмалари ходимларини ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш;</p> <p>Жиноятларни тергов қилиш жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2023 йил август	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги <i>(П.Бобожонов),</i> Бош прокуратура <i>(Н.Ўўлдошев)</i> Адлия вазирлиги <i>(А.Ташқулов)</i>	Бажарилган. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирда Ички ишлар вазирлиги Тергов департаментида малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тааллуқли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда 2023 йил 29 июль куни 1/1232-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул вазирлик ва идоралар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойиҳалар (кимга қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
							киритилган. (ID-78208). Лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, 2023 йил 28 августдаги 12/78208/1-410-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилган.
3.	Транспорт воситасида йўл-ҳаракати қоидаларини бузганлик ҳолатларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш. <u>(Дастурнинг 33-банди.)</u>	Транспорт воситаси мулкдорининг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахс билан биргаликдаги муурожаатига кўра ваколатли орган томонидан ҳуқуқбузарликларни қайд этиш тизимига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда ушбу транспорт воситасида содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартибини жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2023 йил ноябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Олий суд (Б.Исламов) Адлия вазирлиги (А.Ташқулов)	Бажарилмоқда. Мазкур бандда белгиланган вазифа ижросини самарали ташкиллаштириш учун Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан қуйидаги лойиҳалар ишлаб чиқилди: “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига юридик шахсларга тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлик учун жавобгарликни белгилаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2023 йил 7 октябрь куни 24/12-9024-сон хат билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказишлик учун юборилган. (ID-84229); Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилтранспорт воситасининг мулкдорларига транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахс билан биргаликда тегишли ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатни тақдим этган ҳолда, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини ўтказганлиги ҳақида хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2023 йил 7 октябрь куни 24/12-9023-сон хат билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказишлик учун юборилган. (ID-84228).
4.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини “ шаҳар автомобиллар эмас, балки пиёдалар учун ” ғояси асосида ислоҳ қилиш. <u>(Дастурнинг 34-банди.)</u>	Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманлар марказларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлигини соатига 70 километрдан 60 километргача тушириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2023 йил март	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Тўлиқ бажарилди. Мазкур бандда белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидаларига автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш киритиш тўғрисида” 2023 йил 3 апрель кундаги 140-сон қарори қабул қилинди.